

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 2 (4)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES

Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик

Ўзбекистон Миллий университети

Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Убайдуллаева Барно Машрабжонова
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Нарбеков Абдикамил Вафаевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Замонов Акбар Тургинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор
Тошкент халқаро Кимё университети

Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти

Нормуродов Дильмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Усаров Умид Абдумавлянович
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети

Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Галиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

1. Адилов Аброр Анварович СОВЕТ ХОКИМИЯТИНИНГ ИЛК ДАВРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА АМАЛГА ОШИРГАН ДИНИЙ СИЁСАТИДАГИ ВАКФ МАСАЛАСИ	4
2. Abduraxmonova Kamolaxon Ravshanjon qizi TIBBIYOT ANTROPOLOGIYASI O'RGANILISH TARIXSHUNOSLIGI	20
3. Бахранов Шерзад Таштурсунович., Сирлиев Эркин Назарович ИЗ ИСТОРИИ ТАМОЖЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РУССКО-СРЕДНЕАЗИАТСКОЙ ТОРГОВЛЕ	34
4. Замонов Акбар Тургинович ШАЙБОНИЙ АБДУЛЛАХОН ШАХСИЯТИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ	45
5. Qodirova Ra'no Mamirjonovna O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINI O'QITILISHI	60
6. Maxmudova Muazzamxon Sultonmaxmudovna TEMURIYLAR SALTANATIDA SUG'ORISH TIZIMI MASALALARINI ROSSIYA IMPERIYASI VA SOVET DAVRI MANBALARIDA YORITILISHI	70
7. Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК” ХАЗИНАСИДАГИ САМАРҚАНД ТАНГАЛАРИ ХУСУСИДА	79
8. Рахманова Одинахон Равшанбековна САММАРСКИЙ ПЕРИОД ВО ВРЕМЕНА ПРАВЛЕНИЕ ХАЛИФОВ АЛЬ-МУТАСИМА И АЛЬ- ВАСИКА	93
9. Сиддиков Равшан Бердимуратович ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ	101
10. Примов Мухиддин Омонович ЎЗБЕКИСТОНДА КАРТОГРАФИЯ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ ОЧИЛИШИ ВА КАРТОГРАФ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР	118
11. Hakimova Shoiri Sag'dullayevna O'ZBEKISTON ELEKTROENERGETIKA SANOATIGA XORIJY SARMOYALARNING JALB ETILISHI	135
12. Hakimova Saida Baxtiyorovna O'TOSHKENT BEKLIGI T. BURNASHEV VA M.POSPELOV NIGOHIDA	150
13. Shamsiyeva Maxfuzaxon Xuja qizi HAZRATI IMOM MAJMUASIGA TARIXIY SAYYOHAT	156
14. Юнусова Хуршида Эркиновна ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ҲАЁТИГА СОВЕТ МАФКУРАГА МОСЛАШТИРИЛГАН ЯНГИЧА УРФ ОДАТЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	162

Юнусова Х.Э.

т.ф.д., профессор

Ўзбекистон Миллий университети

Khurshida@mail.ru

**ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ҲАЁТИГА СОВЕТ МАФКУРАГА
МОСЛАШТИРИЛГАН ЯНГИЧА УРФ ОДАТЛАРНИНГ КИРИБ
КЕЛИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР
АННОТАЦИЯ**

Ўзбек халқининг узоқ йиллик тарихига эга бўлган анъана- қадрият, урф-одатлари совет маданияти билан қориштирилди. XX аср бош-ларидан ўрнатилган совет ҳокимияти қадриятлар, урф-одат, анъаналарни «зарарли сарқити» сифатида таърифлаб, таъқиб остига олди. Унинг ўрнига совет мафкураси билан бойитилган ва мафкурага хизмат қиладиган сиёсий байрамларни киритиш йўлидан борди. Натижада коммунистлар уюштирган байрамлар халқнинг, меҳнаткашларнинг байрами бўлмай қолди.

Калит сўзлар: сиёсий кампания, социалистик маданият, рус модел-лари, марказлаштириш, мафкуравий амалиёт, инқилобий воқеалар, байрам ҳаракати, партия, комсомол, кўча юришлари, “қизил тўй”, “қизил дафн маросими”, совет турмуш тарзини, ижтимоий муносабатлар, совет турмуш тарзи, республика комиссиялари.

Юнусова Х.Э.

д.и.н., профессор

Национальный университет Узбекистана

Khurshida@mail.ru

**РАЗМЫШЛЕНИЯ О ВНЕДРЕНИИ НОВЫХ ТРАДИЦИЙ В
ОБЩЕСТВЕННУЮ ЖИЗНЬ УЗБЕКИСТАНА, АДАПТИРОВАННЫХ
К СОВЕТСКОЙ ИДЕОЛОГИИ
АННОТАЦИЯ**

Обычаи, традиции и ценности узбекского народа, имеющие древнюю историю, были смешаны с советской культурой. Советская власть, установившаяся с начала XX века, подвергалась гонениям, называя ценности, обычаи, традиции «чуждые элементы». Вместо этого власть пошла по пути введения политических праздников, обогащенных советской

идеологией и обслуживающая советской идеологии. В результате праздники, организованные коммунистами, перестали быть народными и рабочими праздниками. Праздники стали ассоциироваться с «массами», подобные механизмы приравнивались к политическим кампаниям и служили форми-рованию «советской культуры».

Ключевые слова: политическая кампания, социалистическая культура, русская модель, централизация, идеологическая практика, революционные события, праздничное движение, партия, комсомол, уличные марши, «красная свадьба», «красные похороны», советский быт, общественные отношения, советский уклад жизни, республиканские комиссии.

Yunusova X. E.

DSc., professor

National university of Uzbekistan

Khurshida@mail.ru

REFLECTIONS ON THE INTRODUCTION OF NEW TRADITIONS INTO THE PUBLIC LIFE OF UZBEKISTAN, ADAPTED TO SOVIET IDEOLOGY

ABSTRACT

The customs, traditions and values of the Uzbek people, which have an ancient history, were mixed with Soviet culture. Soviet power, established since the beginning of the twentieth century, was persecuted, calling values, customs, and traditions “alien elements.” Instead, the government took the path of introducing political holidays, enriched with Soviet ideology and serving Soviet ideology. As a result, the holidays organized by the communists ceased to be national and working holidays. Holidays began to be associated with the “masses,” such mechanisms were equated with political campaigns and served to form “Soviet culture.”

Key words: political campaign, socialist culture, russian model, centralization, ideological practice, revolutionary events, festive movement, party, komsomol, street marches, “red wedding”, “red funeral”, soviet way of life, public relations, soviet way of life, republican commissions.

КИРИШ

Узоқ йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган ўзбеклар маънавиятининг асосий бўлмиш анъана - қадрият, урф - одатларни тиклаш, уларни жамият ҳаётидаги ўрнини юксалтириш мустақиллик йиллари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳолбуки, совет давлатида халқларнинг миллий маданияти совет маданияти билан қориштирилди. 70 йилдан зиёд давом этган совет тузуми даврида миллий урф-одатлар ва анъаналар мафкурага мослаштирилди. Коммунистик партия мафкуравий сиёсатининг СССР халқлари маънавиятига жиддий салбий таъсири натижасида жамиятда маданий-ахлоқий муҳит заифлашиб, маънавий қашшоқлик совет жамиятини тобора инқирозга етакловчи кучга айланиб борди. Бу ҳолат охир-оқибатда миллий тилларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини пасайишига, узоқ йиллар давомида шаклланиб келган қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарни «ўтмишнинг зарарли сарқити» сифатида таърифлашга, маънавиятнинг узвий қисми бўлган динни “хурофот ва бидъат” деб талқин қилинишига ва шу асосда миллатларни қарамлик ҳолатида сақлаб туришга асос бўлди.

Айни патда бу масала совет ҳукмронлиги даврида керакли мафкуравий нуқтаи назардан таҳлил ҳам этилди[1].

Табиийки, СССРда истиқомат қилган турли халқ ва элатларнинг маданияти шакли жиҳатидан турли хил бўлган. Шубҳасиз ҳар бир халқнинг забардаст маданият арбоблари – атоқли олимлари, ёзувчилари, рассомлари, бастакорлари кўп бўлди ва уларнинг умумий жиҳатлари кўп бўлди. Улар ўз навбатида жаҳон фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшдилар. Гарчи, бу ютуқларнинг аксарияти социалистик руҳ бериб турувчи байналмилал маданият бўлса-да, унинг кўп жиҳатлари юқори савияга мутлақ жавоб берар эди. Бу ҳол совет муаллифларининг “социалистик мазмун асосида яқинлашиб бормоқда”[2] деган шиорига ҳам мос тушар эди. Эътиборли томони шундаки, буларга хориж матбуотида “СССРдаги коммунистлар рус маданиятини совет жамиятининг келажак маданияти сифатида тасаввур қиладилар ва тасдиқлайдилар”[2], деб таъриф берилган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Совет маданиятини шакллантиришда совет байрамларининг роли катта бўлди. Уларнинг дастлабкиси 1918 йил 1 майда бўлиб ўтди, унда мамлакат бўйлаб минглаб митинглар, намоёишлар ва кўча юришлари, инқилоб етакчилари, партия аъзолари, ишчилар, аскарларнинг чиқишлари бўлди. Шу кунлари Москвада биринчи совет рамзларидан бири – “Ўроқ ва болға” сурати пайдо бўлди, у тез орада СССР Давлат гербининг асосига айланди”. 1918 йилдан янги тантанали рамзлар – ўроқ ва болға (давлат рамзлари), қизил юлдуз (Қизил Армиянинг рамзи), янги мадҳия (“Интернационал”) ва давлат байроғи сифатида қизил байроқ яратилди. Айти пайтда совет ҳукумати байрамларни ташкил қилишда аввалги байрамларнинг барча анъанавий шакллари дарҳол рад этилмади. “...20-йилларнинг ўрталарида Биринчи май ва Октябрь байрамларини нишонлаш вақтида карнавал элементлари қўлланила бошланди. Кўча юришларига тирик расмлар, плакатлардан тузилган композициялар, статик фигуралар, макетлар ва бошқалар олиб чиқилди”[3]. Қисқаси кишиларни қисқа вақт ичида турмуш тарзининг асоси бўлган урф-одатлардан воз кечишга мажбур қилиш қийин бўлганлиги сабабли, давлат ҳар доим ҳам “эски маросимлар”ни йўқ қилишга журъат этмади, балки уларни “янги”, социалистик ёки “қизил” маросимлар билан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилди. Вақт ўтиши билан бу байрамларга инқи-лобий байрамлар туси берилди ва сиёсийлаштирилди. “...коммунистлар уюштирган байрамлар халқнинг, меҳнаткашларнинг байрами бўлмай қолди”[4].

Октябрь инқилоби ва Интернационал куни икки кундан нишонланди. Байрамнинг классик модели икки қисмдан иборат бўлиб, тантанали расмий ва норасмий байрамлардан иборат бўлди. Биринчисига меҳнаткашларнинг намоёишлари, кўрик парадлар, кўча юришлари, мукофотлаш тадбирлари кирса, иккинчисига спорт тадбирлари, кўнгилочар тадбирлар, томошалар ва бошқа кирди[5]. Бу байрамлар “омма” билан боғлиқ бўлди, байрамлар “омма” кайфиятини ифодалашнинг янги шакли деб қаралди. “Оммавийлик

борган сари пухта режалаштириш объектига айланди[6], бундай механизмлар “совет маданияти”ни шакллантириш[7] билан боғлиқ бўлди ва улар сиёсий кампаниялар билан тенглаштирилди. 1930-йиллардан бошлаб байрамлар янада дабдабали бўлди, расмий байрам саналари кўпайди. М.Рольф ёзганидек, “...байрам мулоқотнинг барча бошқа шаклларида устун турарди, пировардида Олий Кенгашга сайловлар ҳам, Совет Иттифоқида яшашнинг ўзи ҳам “байрам”“ деб атала бошланди”[6]. Бу хусусда, жумладан, Ўзбекистоннинг янги тарихи 2-китобида ҳам қуйидаги фикр билдирилади: “...партия «ривожланган социализмга» эришиш учун ўзининг барча имкониятларини ишга солди, оммавий ахборот, тарғибот - ташвиқот воситалари халқ оммаси онига «ривожланган социализм» босқичида социализм ўзининг энг юқори “фазасига” эришади, бу даврда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника, маданият - маърифат имкон даражада ривожланади, халқнинг турмуш даражаси мунтазам ошиб боради, совет кишиларининг янги “социалистик турмуш тарзи” шаклланади, деган сохта, амалга ошириб бўлмайдиган ғояларни сингдиришга ҳаракат қилди[8]. Умуман, бу сиёсат “шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни рус моделлари билан шафқатсизларча марказлаштиришдан иборат бўлди”[2].

Юқоридагилардан кўринадики, давлатнинг мафкуравий амалиётида инқилобий воқеалар саналар муҳим бўлди. Кишилар турмуш тарзи ва онгида ўзгаришлар олиб келиши лозим бўлган бу байрамлар характерининг ўзгариши умумий қонуният даражасига кўтарилди. Эски байрам тақвимида Янги йил сақлаб қолинди. Янги киритилган байрамлар бўлса 1905 йил 9 январь, самодержавиенинг ағдарилиши-12 март, Париж коммунаси кунлари-18 март, Интернационал-1 май ва Пролетар Инқилоби куни-7 ноябрда нишонланадиган бўлди[9]. Кутубхоналар, ўқув заллари, болалар боғчалари, мактаблар, ёдгорликлар очилишига бағишланган тантанали маросимлар ҳам байрам кунлари ўтказилди. Кейинчалик бу тадбирлар йилига икки марта-7 ноябрь ва 1 май кунлари - ўтказиладиган намоёишларга алмаштирилди[10]. Октябрь давлат тўнтариши ва 1 май Меҳнаткашлар

бирдамлиги куни, СССР Конституцияси куни, В.И. Ленин туғилган куни, Совет Армияси ва Ҳарбий - денгиз флоты, Ғалаба куни мафкуравий характерга эга бўлса, “Касб байрамлари”, “Илк маош”, “Тантанали пенсияга узатиш”, “Ўроқ ва Болға” каби тантаналар ўйлаб чиқарилган байрамлар сафидан ўрин олди. Бу байрамларни ўтказиш учун вилоят ижроия кўмиталари ёки қишлоқ кенгашлари идоралари яқинида митинглар бўлиб ўтар, сўнгра плакатлар ва дохй портретларини кўтариб, кўча юришлари ўтказиларди. Байрам тадбирининг иштирокчилар кўпинча бир қишлоқ кенгаши таркибига кирувчи барча қишлоқларни айланиб чиқиб, ҳар бирида митинг ўтказишарди[7]. Байрам ҳаракатининг бошида партия ва комсомол ташкилотларининг аъзолари, мактаб ўқувчилари, улар кетидан эса партиясизлар юришарди. Анъанавий кўча юришларининг янги мазмуни ва безатилиши одамларда қизиқиш уйғотарди. Намойишчиларнинг олдинги сафида бўлиш катта шараф ҳисобланарди[9].

Қишлоқ меҳнаткашлари учун ҳам алоҳида байрамлар ўйлаб топилган эди. “Қурултой”, “Уруғ қадаш маросими”, “Ёшларни пахтакорлар сафига тантанали қабул қилиш”, “Биринчи гул байрами”, “Илк маош”, “Қизил карвон” (“Биринчи оқ олтин карвони”), “Пахта байрами” (“Ҳосил байрами”) каби байрамлар аста секин қишлоқ ҳаётига кириб кела бошлади. Булар орасида “пахта байрами” кенг нишонланиб, XX аср 80 - йилларга келиб энг катта байрамлардан бирига айланди*. Хуллас, янги урф - одатларни жорий этиш натижасида боғбон, сабзовоткорлар етиштирган ҳосилни кўриги сифатида бошланган тадбирлар янги бадий дастурлар билан байрамлар тусини ола бошлади. Бу байрамлар дастлаб туманлар марказларида ташкил этилиб, сўнгра вилоят миқёсига ўтган*.

* Бу байрамлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1956 йилги қарорига биноан пахта теримини бошлашдан аввал, яъни август ойининг охириг яшанба кунлари нишонланган. Лекин бу байрам 1960 йиллардан бошлаб пахта терими тугагандан сўнг нишонлана бошлаган. – Ю. Х.

* 1970 йилда Ўзбекистон ССР Компартияси МҚ қошида меҳнаткашлар турмушига янги урф-одат ва маросимларни ташвиқот совети ташкил этил. Совет янгича урф-одатларни жорий қилиш бўйича партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари республикада олиб борган ишларни назорат қилган. Шунингдек, республикадаги барча илмий ва ижодий кучларни янги урф-одатларни ишлаб чиқаришга, байрам дастурларини, урф-одат, кўшиқ ва рақсларни яратишга сафарбар этиш ҳам мазкур совет вазифасига кирган. - Ю. Х.

1950-йилларнинг охирларида “СССРда социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалаба қилган”лигини КПСС XXI съезди (1959 й. январь-февраль) тантанали равишда эълон қилинди. Шу билан бирга, сиёсий раҳбарият 80-йилларда совет халқи “коммунизмда яшайди”, деб ваъда берди. Ҳатто, бўлажак коммунизм кишисининг “ахлоқ кодекси” ҳам ишлаб чиқилди, барча маданий- маърифий, оммавий-сиёсий ишлар халқ, оммасини “ахлоқ кодекси” руҳида қайта тарбиялашга сафарбар қилинди[10]. Бу борада янгича мазмун-моҳиятга эга бўлган янги маросим, удум ва анъаналарнинг пайдо бўлиши совет ҳукумати учун катта аҳамиятга эга эди. Гўёки, бу маросим, удум ва анъаналар байналмилал совет турмуш тарзини қарор топтиришнинг муҳим воситаси бўлиб, совет халқини коммунизмнинг юксак ғоялари руҳида тарбиялашга, мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, совет турмуш тарзини бойитиш ва такомиллаштиришга хизмат қиларди. Бу хусусда КПСС МҚ Бош котиби Л.Брежнев КПСС МҚнинг XXIV съездига қилган ҳисобот маърузасида “совет кишилари меҳнатга янги коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, партия олиб бораётган мафкуравий ишда олдинги ўринлардан бирида туради[11], деб таъкидлаб ўтди.

Бир томондан, ўтмишда туғилган анъана ва урф-одатлар социалистик жамиятнинг янги шароитлари таъсирида янги мазмун билан бойиб боришига хизмат қилар эди. Бошқа томондан, барча халқлар учун умумий бўлган, халқнинг янги турмуш тарзига хос янги халқаро урф-одат ва маросимлар шаклланар эди[20]. 1955 йил 4 январда КПСС Марказий Комитетининг В.Ленинни хотирлаш куни тўғрисидаги қарори чиқди. Қарорда В.Лениннинг хотирасини у вафот этган ҳамда мотам ва қайғу руҳи бўлган 21 январда эмас, балки унинг туғилган куни бўлган 22 апрель куни нишонлашга қарор қилинди, бу билан ушбу санага байрам туси берилди. КПСС МҚ бундай ўзгариш абадий барҳаёт таълимот бўлган ленинизм руҳига кўпроқ мос келишини эътироф этди[12].

Урф –одат ва диний маросимларига қарши курашишда “қизил тўйлар” ва “қизил дафн маросимлари”дан фойдаланилди. Улар совет турмуш тарзини, ижтимоий муносабатларга янги қарашларни тарғиб қилувчига айланди[13]. Тўйларга янгича тус беришга дастлабки уринишлар ҳам 1920-йилларда бўлди. Ўша даврдаги ҳужжатлар ва даврий нашрларда у “қизил тўй” деб номланди[14]. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда комсомол тўйларига алоҳида эътибор берилла бошлади. Тўйларни ўтказиш ҳам комсомол ташкилотига топширилди. Натижада тўйлар “қизил тўй” ўрнига “комсомол тўйи” деб номлана бошлади. “Комсомолча тўйлар” ҳам қишлоқ ҳаётига кириб келди. 1970-йилларнинг бошларига келиб (шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам) келиннинг оқ либоси тўйнинг асосий элементиға айланди[15]. Янгича тўйлар деб талқин қилинган тўй маросимлари ҳам маҳаллаларда тузилган тўй комиссиялари иштирокида ўтказиларди. Бундай комиссиялар республиканинг бир қанча вилоятларида тузилди. Мазкур комиссиялар урф - одатға айланиб кетган “Эшик очди”, “Тугун қайтарди”, “Ҳордиқ”, “Идиш қайтди”, “Фотиҳа тўйи”, “Ҳорманг” маросимлари, “Тўй берди”, “Куёв чақирди”, “Маъзар еди”, “Ота кўрди” каби расм - русумларға барҳам бериш борасида турли чора - тадбирлар кўрилди. Масалан, Наманган вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам янгича тўйларни ўтказиш бўйича комиссиялар ташкил этилган бўлиб, бу комиссияларнинг кенгаши ва семинарлари клубларда, “Бахт уйларида” мунтазам ўтказиб туриларди. Уларда “Тўй ўтказиш тартиби”, “Тўй дастурхони”, “Меҳмон кутиш”, “Тўй маблағи”, “Тўйларимиз – ўйларимиз” каби мавзуларда маърузалар ва суҳбатлар ўтказиларди[16]. Шу ҳол эътиборға сазоворки, бу ҳаракатлар аҳоли орасида “комсомолча” тўйларни кўпайиб боришиға ҳам сабаб бўлаётган эди. Биргина Наманган шаҳрининг ўзида комсомол тўйларини уюштириш ишлари кенг кўламда амалға оширилди. Буни кўйидаги жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин.

Жадвал[16] 2.1.7.**Наманган шаҳрида ўтказилган янгича тўйлар**

	1985	1986	1987
Никоҳланганларнинг умумий сони	2524	2545	2164
Тантанали тарзда	2153	2242	1886
Комсомолча тўйлар	1509	2065	1387

Хуллас совет ҳокимиятининг жамиятнинг кундалик ҳаётига инқилобий байрамларни киритиши байрамларни янги мафкурани мустаҳкамлаш усулларида бири сифатида қараларди. Улар синфий кураш, жамиятни “бизникилар” ва “бегоналар”га ажратиб, кейинчалик янги дунёқараш асосида бирлаштириш ғоясига асосланган эди. Янги қадриятларни тарғиб қилиш эскиларини инкор қилиш билан бирлаштирилди: кўп асрлар давомида қарор топган халқ маданиятини, унинг ўзига хослигини ва таълим-тарбия соҳасидаги саъй-ҳаракатларини йўқ қилиш учун қаратилган кампания бўлди.

1980 йилларга келиб янгича урф-одатларга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Ассавло динга қарши қаратилган ва совет байрамларини яратиш ва кенг нишонлар ҳолатлари борган сари кучайиб борди. Ўзбекистон Компартиясининг 1984 йил учинчи пленумида маъруза қилган Ўзбекистон ССР Компартияси МҚ биринчи котиб И.Б. Усмонхўжаев республикадаги идеология ишларида юз берган камчиликлар қаторига адабиёт, санъат, ижтимоий фанлар соҳасида, айрим тарихий ҳодисалар, шахсларга баҳо беришда партиявий ва синфийлик принцип-ларидан чекиниш ҳоллари намоён бўлиши, кўплаб раҳбарлар динга иккиюзламачилик асосида муносабатда бўлиши, диний маросимларга риоя қилиши, сиёсий тарбиявий ишлар бўшашиб кетиши натижасида кишилар ҳаётида кўплаб эски урф - одатлар ўрин ола бошлаши, баъзи маросимлар деформацияга учраши, мафкура соҳасида иш олиб бораётган раҳбарларнинг фаолияти сусайиб кетиши натижасида ҳамма ерда ғоявий, тарбиявий ишлар юзаки хўжақўрсинга олиб борилиши[17] кабиларни киритди.

Юқоридаги камчиликлар марказ томонидан белгилаб берилган мафкурaviй вазифалар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган эди. “Кишиларнинг онги ва ўтмишдаги зарарли сарқитлар, феодал қолоқликнинг сарқити” сифатида таърифланди. Ўзбек халқи тарихининг ёрқин саҳифалари, буюк тарихий шахсларнинг жамият тараққиётидаги роли, қадимги аجدодларимизнинг жаҳон фани ва тараққиётга қўшган ҳиссаси ҳақидаги ҳар қандай мулоҳаза ўтмишни идеаллаштириш дея баҳоланди. Пленум қарорларида диний байрамлар кенг нишонланишига қарши атеистик тарбияни кучайтириш лозимлиги ҳақидаги масалалар ҳам ўз ифодасини топди. Мазкур пленум қарорлари шу йиллардаги республика сиёсий раҳбарияти эркин фикрлаш, мустақил ишлаш имконига эга эмаслигини, миллий манфаатларни ҳимоя қила олмаслигини яна бир бор кўрсатди. Пленум қарорлари жамият маънавий ҳаётида яна бир қатағонлар даври бошланишидан дарак берар эди.

Ўзбекистон Компартияси ХХI съезди бу масала юзасидан ўз муносабатини янада кескин қўйди. Бу айниқса кишиларнинг диний эътиқодига, диний ташкилотларнинг фаолиятига муносабатда атеистик тарбияни янада кенг кўламда амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган вазифалар тизимини белгилашда яққол кўзга ташланди. Давлат ташкилотлари томонидан диний рамзлар, ақидалар, ибратли фикрлар ёзилган буюмларни чиқариш кескин танқид қилинди. Съезддан кейин динга, миллий урф - одатлар, маросимларга қарши кураш янада кескин тус олди. Айниқса динга қарши кураш бу йилларда янада кучайди. Жумладан, 1985 йили Ўзбекистон Компартияси Қурбон ҳайити яқинлашиб келиши муносабати билан қуйидаги вазифаларни белгилади:

–оммавий ахборот воситалари орқали ушбу байрам реакцион характерга эга эканлигини кўрсатиб берувчи тарғибот ишларини олиб бориш, аҳоли орасида оғзаки ташвиқотлар уюштириш, байрам кунлари кишилар муқаддас жойларга зиёрат уюштиришига имкон яратиб бермаслик, аҳоли кўпчилик бўлиб шаҳар ташқарисига дам олиш учун чиқишини чеклаш;

–Қурбон ҳайит байрами яқинлашиши муносабати билан меҳнат жамоаларида интизомни текшириб туриш, ишга кеч қолишлар, ишдан вақт-ли кетишлар, ишга чиқмаслик, иш вақтида ўз жойида бўлмаслик каби масалалар бўйича қатъий назорат белгилаш, диний байрам кунлари турли ташкилотларга тўсатдан текширув комиссияларини юбориш;

–байрам кунлари масжидлар, қабристонлар, муқаддас жойларда савдо қилишни тақиқлаш;

–махаллий аҳоли орасида обрў - эътибор қозонган муллалар, эшонлар, шайхлар, уларнинг муридлари устидан назоратни кучайтириш[18].

Белгиланган вазифаларни қатъий амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳар йили март ойининг сўнгги кунини “Хотира куни” деб эълон қилди. Бу тадбирнинг ташкил этилиши натижасида жойларда аввалдан штаблар ташкил этилди. “Хотира куни”нинг моҳияти ва мақсади тушунтирилди. “Хотира куни” арафасида маданият муассасаларида уруш фахрийларининг жанговар йўллари бағишланган тематик кечалар, ўқув муассасаларида кекса авлодлар билан учрашувлар, кўча, майдонларда бир қатор тантаналар ҳам ўтказилди. Масалан, Андижонда “Хотира куни” муносабати билан халққа “яқин кишиларнинг қабрини бориб зиёрат қилишга, хотирасини ёд этишга ундовчи варақалар ҳам тарқатилди”[19].

ХУЛОСА

Умуман, кишилар онгини шакллантириш, миллий, диний анъаналар ва қадриятларга муносабат масаласи жамият тараққиётидаги инсон омили ролини белгилаб берувчи асосий шартлардан бири бўлиб келганлиги учун совет давлатининг сўнгги ўн йиллигида эътиқодларга муносабат масаласи жуда чуқурлашиб кетди. Айнан мана шу йиллардаги ҳаракатларни кишиларнинг онги ва турмуш тарзидаги ўтмиш “сарқитларига” қарши курашиш, “реакцион” деб аталмиш урф - одатлар, маросимларга амал қилишга барҳам бериш, байналмилал тарбияни кенг кўламда амалга ошириш халқимизнинг мустақамланиб келаётган миллий онгига зарба бериш учун ҳара-

кат сифатида изоҳласа бўлади. Чунки халқнинг онги, эътиқодига, турмуш тарзига чуқур сингиб бораётган диний мерос ва қадриятларга қарши кураш ҳам ўша йилларда олиб борилаётган мафкуравий - тарбиявий ишларнинг асосий йўналиши бўлиб қолганди.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES

1. Шермухамедов С. Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры. – Ташкент: Узбекистан, 1980. - 271 с.; Пропаганда памятников истории и культуры в Узбекистане. - Ташкент: Фан, 1980. -С. 82; Якубов Ш. Взаимно обогащение национальных культур в условиях развитого социализма. -Ташкент: Узбекистан, 1982. -С.184; Саматов Ш. Особенности развития национальных культур народов СССР в условиях зрелого социализма. -Ташкент: Фан, 1983. -С.78.; Садыков Н. Социально - культурный облик советских наций. - М.: Наука, 1986. - С.453; Арутюнян Ю.В., Дробижева Л.М. Многообразие культурной жизни народов СССР. - М.: Мысль, 1987. – С. 303; Отамирзаева Ш. Янги урф -одатлар. - Тошкент: Фан, 1988. -Б. 56. ва б.
2. Раҳимов С., Каримов Р. Антикоммунистик қарашларнинг сохталиги. – Т.: Ўзбекистон, 1982. – Б. 57, 53.
3. Шаповалов С. Н. Советские революционные праздники в 1918–1920-е гг.// <http://cyberleninka.ru/article/n/sovetskie-revolutsionnyeprazdniki-v-1918-1920-e-gg-1>
4. Плаггенборг Ш. Революция и культура: культурные ориентиры в период между Октябрьской революцией и эпохой сталинизма. – Санкт-Петербург: Журнал «Нева», 2000. – С. 300.
5. Попова В.Н. Праздник как социокультурный феномен. Учеб. пособие. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2017. – С.41.
6. Рольф М. Советские массовые праздники. – М.: РОССПЭН, 2009. – С. 95, 8.

7. Лебедева Л.В. Формирование советской праздничной культуры в 1920-е годы: новые ритуалы в процессе социального конструирования // Fundamental research. – № 2. – 2015. – С.1784.
8. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустанлакачилиги даврида... – Б. 570.
9. Иникова С.А. Советские праздники в русской деревне // Российский этнограф. Этнологический альманах: Антропология. Культурология. Социология. – М.: Российская Академия наук, 1993. – С. 128
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустанлакачилиги даврида. – Тошкент. Шарқ, 2000. - Б. 570.
11. Брежнев Л.И. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездида ҳисобот доклади. – Т.: Ўзбекистон, 1971. – Б.111.
12. Руководство Компартии Узбекистана коммунистическим воспитанием масс. – Ташкент. Узбекистан, 1981. – С.116.
13. КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорлари (1898–1971). – Русча 8-нчи, тўлдирилган ва тuzатилган нашр. тарж. Т.7. 1955–1959. (П. Н. Федосеев ва К.У.Черненконинг умумий таҳр. остида). – Тошкент. Ўзбекистон, 1985. – Б.7.
14. Галиева Ф. Г. «Красная» свадьба в Башкирии: эксперименты советской власти // Quaestio Rossica. – 2018. Т. 6, № 3. – С. 785.
15. Буреева Е. В. Комсомольская свадьба 1960-х годов в системе идеологического воспитания советской молодежи: замыслы и реализация // Новейшая история России. – 2020. Т.10. – №2. – С.511.
16. Отамирзаева Ў. Янги урф-одатлар... – Б. 31, 32.
17. Юсупов Э. Истиқлол йўлида... – Б. 38.
18. Ўз МДА, 2456-фонд, 1-руйхат, 697-иш, 19-20-варақлар.
19. Ниёзмуродов М., Алиев Б. Янги анъаналар ҳаётга. – Тошкент: Медицина, 1987. – Б. 62.

20. Руководство Компартии Узбекистана коммунистическим воспитанием масс. – Ташкент. Узбекистан, 1981. – С.116.